

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи томонидан
2023 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан
Ҳ И С О Б О Т

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Кадрлар бошқармасининг Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этиб, судлар аппаратлари ходимларининг фаолияти **қонунийлик**, фуқаролар **ҳуқуқлари**, **эркинликлари** ва қонуний **манфаатларининг устуворлиги**, **очиқлик** ва **шаффофлик** ҳамда бошқа асосий принциплар асосида ташкил этилишини таъминлаш билан биргаликда, суд аппарати ходимлари ўртасида **коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш**, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва жамиятда **коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни** шакллантириш ишларини жадал олиб бормоқда.

Хусусан, Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 23 декабрдаги РС-72-21-сон қарори билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ **республика судларида 8 та текширув** ўтказилган.


Ўтказилган текширувлар давомида **аниқланган ҳолатлар** юзасидан **3 нафар** суд аппарати **ходими** билан тузилган **меҳнат шартномаси бекор қилинди**. **21 нафар** суд ходимига нисбатан **“ҳайфсан”** интизомий жазо чораси **қўлланилди**. **11 нафар** суд ходими билан белгиланган тартибда **профилактик суҳбатлар ўтказилиб**, қоидабузарлик такрорланган тақдирда интизомий жавобгарликка тортилиши ҳақида **огоҳлантирилди**.

5 та вилоятда **амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганишлар** ўтказилди.

Шу билан бирга, мунтазам равишда **жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари** пухта ўрганиб келинмоқда. Мурожаатлар юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган ҳолатлар юзасидан **3 нафар** суд ходими билан тузилган **меҳнат шартномаси бекор қилинди**, **2 нафар** суд аппарати ходимига нисбатан **ҳайфсан** интизомий жазо чораси **қўлланилди**.

ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ

■ Ишдан бўшатилды ■ Интизомийга жавобгарликка тортилди ■ Огоҳлантирилди



Бундан ташқари, **2023 йил 15 декабрь кун**и Олий суд раиси томонидан Судларда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кучайтириш ҳамда меҳнат ва ижро интизомини таъминлаш самарадорлигини ошириш юзасидан вилоятларда тадбирлар ўтказиш **режа-графи**ги тасдиқланган бўлиб, **2023 йилнинг декабрь ойи**да Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида, **2024 йилнинг январь – март ойлари**да Қорақалпоғистон Республикаси ва **10 та вилоят**да Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи томонидан **республика судлари** аппаратлари **ходимлари** билан учрашувлар ўтказилди.

Учрашувлар давомида суд аппарати ходимларининг **муаммолари тингланиб**, уларга ечим топиш, зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда судларда **коррупциядан ҳоли муҳитни** шакллантириш бўйича тизимли ишлар белгиланиб амалга оширилди.